*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
30 июнь
ШАНБА
№ 51
(12.479)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz


# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

## ДАВЛАТИМИЗНИНГ МУҚАДДАС РАМЗИ

***Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинганига йигирма йил тўлди***




Халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами – Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллиги тобора яқинлашмоқда. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган улкан янгиланишлар, халқимиз, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги юксалиб, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани ҳам мустақиллик туфайлидир.

Истиқлолга эришгач, мамлакатимизнинг давлат рамзларига эга бўлдик. Бугун жаҳонда тенг ҳуқуқли давлат бўлган мустақил Ўзбекистон ўз байроғи, герби, мадҳияси ва валютасига эга. Зеро, эл-юртимизнинг ғурури, ифтихори бўлган бу рамзларда тарихимиз, бой маънавий-маданий меросимиз, миллий урф-одат ҳамда анъаналаримиз, буюк мақсад, эзгу орзу-интилишларимиз ўз ифодасини топган.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йил 2 июлда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги тарихий қонун қабул қилинди.

Герб қадим-қадимдан муайян мамлакат ёхуд ҳудудда яшайдиган турли миллат ва элатларнинг ўтмиши, орзу-интилишлари, тафаккур тарзи, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда амал қилиб яшайдиган ғоялари, ўзига хос табиий ва хўжалик хусусиятларини ифода этиб келган. Давлат ишларини юритиш ҳамда халқаро муносабатларни амалга оширишда қўлланиладиган муҳрларга, пулларга герб тасвири туширилган.

Давлатимиз гербида халқимизнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз аксини топган. Унда тасвирланган гуллаган водий узра нур сочаётган офтоб серқуёш юртимизга, ундаги обод манзилларга ишора. Баланд тоғлар оралаб оқаётган дарёлар – ҳаёт боқийлиги тимсоли бўлса, гербнинг сўл томонидаги буғдой бошоқлари халқимизнинг ризқ-рўзи бутунлигидан, ўнг томонидаги қийғос очилган ғўза ифодаланган чамбар халқимизнинг оппоқ орзулари, эзгу ниятларидан далолатдир. Гербнинг юқори қисмида элу юртимиз жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган.

Гербимиз марказида бахт ва олижаноблик тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қуши қанотларини ёзиб, парвозга шайланиб турибди. Бу халқимизга хос эзгу орзу-умидлар ифодасидир. Зеро, элимиз Ҳумони азал-азалдан бахт қуши сифатида тасаввур этиб келган.

Гербимиздаги ушбу рамз ва тимсоллар халқимизнинг тинчлик, эзгулик, бахт-саодат, тўкинлик, фаровонлик каби орзу-умидларини ўзида намоён этади. Гербнинг пастки қисмидаги Давлатимиз байроғини ифодаловчи чамбар бандига зарҳал ҳарфлар билан "Ўзбекистон" сўзи битилган.

"Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги қонунда белгиланганидек, Давлат герби Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, ҳокимликлар, қўмиталар, ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари бинолари, чет эллардаги мамлакатимиз дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг пештоқида ўрнатилган. Республикамиз давлат чегараларида барпо этилган улкан дарвозалардаги Давлат герби барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди. Ватан остонасидаги давлатимиз рамзини кўриб, беихтиёр қалбимиз энтикади, муқаддас заминимизга бўлган меҳр-муҳаббатимиз янада ошади.

Давлат герби тасвири ҳар биримизнинг мана шу саховатли замин фарзанди, ушбу озод юрт фуқароси эканимизни тасдиқловчи фуқаролик паспортларида ҳам акс эттирилган.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги қонунда мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда истиқомат қиладиган барча шахслар давлатимиз гербини ҳурмат қилишлари шарт экани белгилаб қўйилган.

Давлат рамзлари муқаддасдир. 2010 йил 24 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунга мувофиқ, давлатимиз рамзларидан фойдаланиш қоидалари янада такомиллаштирилди.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербига ўхшаш бўлиши мумкин эмас.

Ҳа, мустақил Ватанимизнинг Давлат герби улкан ғоявий-тарбиявий аҳамиятга молик тимсол сифатида барчамиз учун қадрли ва муқаддасдир. Уни ҳар сафар кўрганимизда шундай бетакрор, ҳеч кимдан кам бўлмаган қудратли мамлакатда яшаётганимиздан фахр-ифтихор туйғуларини ҳис этамиз.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

**АКЦИЯ**






**Чирчиқдаги "Кимёгар" ўйингоҳида Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни муносабати билан "Ёшлар соғлом турмуш тарзи тарафдори" фестивали бўлиб ўтди. Ташкилотчилар – "Камолот" ЁИҲ ва Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги фестивални ёрқин байрам шоусига айлантириш учун бор имкониятларини ишга солганлари тадбир давомида кўзга яққол ташланиб турди.**

## ЁШЛАР СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИ






Спорт мажмуаси бир зумда байрамона кийинган мактаб ўқувчилари ва лицей, коллеж талабалари билан тўлиб-тошди. Уларнинг қўлларида байроқча, турли шиор ва лавҳалар. Ўйингоҳга кираверишда катта бадиий кўргазма ташкил этилган. Истеъдодли болалар чизган расмларда чекиш, спиртли ичимликлар ичиш ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш киши саломатлигига жисмоний ва руҳий зарар етказиши акс этиб турибди.

– Замонавий ёшлар учун энг зарури спорт билан мунтазам шуғулланиш ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш эканини аллақачон тушуниб етдим, – дейди Чирчиқдаги 17-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Шерхон Илёсов. – Мактабимизда тиббиёт ходимлари, машҳур спортчилар, ёзувчи ва шоирлар билан учрашув ҳамда давра суҳбатлари тез-тез уюштириб турилади. Ўсиб келаётган биз, ёш авлодлар уларга ўхшашни хоҳлаймиз, яъни билим олишни, келажакда комил инсонлар бўлишни истаймиз. Бундай фестиваллар ёшларга ҳаётда ўз йўлини тўғри танлашга ёрдам беради. Мен ушбу тадбирга ўзим чизган расмларимни олиб келдим.

Ўйингоҳ узра ҳарбий марш садоси янгради. Майдонга Чирчиқ олий танк-муҳандислик билим юрти курсантлари шаҳдам қадамлар билан чиқишди. Қадди-қоматлари келишган бўлажак зобитлар ўқ отиш қуроллари билан қандай муомала қилиш кераклигини моҳирона намойиш этишди. Айниқса, улар кўрсатган қўл жангчи машқлари томошабинларга завқ бағишлади. Курсантларнинг шаҳдам қадамлари, уюшган, текис ҳаракати мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарликларидан фахрланиш туйғуларини уйғотди.

(Давоми 2-бетда).

**Суратлар муаллифи**
**Еркебой БОТИРОВ.**

**Бўстонлиқ туманидаги Иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида "Миллатлараро тотувлик" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

## АҲИЛЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК НИШОНАСИ

Унда ҳокимлик ва хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, миллий маданий марказлар раҳбарлари, маҳалла маслаҳатчилари ва фаоллари иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар мустақил диёримиздаги ўзаро аҳиллик ва бағрикенглик ҳақида тўхталдилар.

Тадбир сўнгида турли халқларнинг урф-одат ва қадриятларини ўзида жамлаган таом ҳамда либослар кўргазмаси уюштирилди.

**Нодира ДАВЛЕТБОЕВА.**

**1 ИЮЛЬ – МИЛЛИЙ ВАЛЮТАМИЗ – СЎМ МУОМАЛАГА КИРИТИЛГАН КУН**

## ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

*Миллий валюта – миллий ифтихор,*
*давлат мустақиллигининг рамзи,*
*суверен давлатга хос белгидир.*

**Ислом КАРИМОВ.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1994 йил 16 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ 1994 йил 1 июлдан мустақил мамлакатимиз асосий белгиларидан бири ва муҳим ривожланиш омили бўлган миллий валюта – сўм муомалага киритилди.

Сўмнинг муомалага киритилиши ҳақиқатдан ҳам тарихий қадам бўлиб, мамлакатимиз солномасида муҳим ҳодисалар қаторида туради.

Мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз ҳақида сўз борар экан, аввало, Президентимиз Ислом Каримов томонидан ҳар томонлама чуқур ўйланган, жаҳон тажрибаси ва мамлакатимизнинг ички имкониятларини инобатга олган ҳолда амалга оширилган оқилона иқтисодий сиёсат туфайли иқтисодиётимизнинг изчил ривожланиши, экспорт салоҳиятининг юксалиб бораётганлиги, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро мутаносиблиги, инфляциянинг жиловланганлиги, аҳоли фаровонлигининг юксалаётганлиги билан бир қаторда миллий валютамизнинг барқарорлашиб бораётганлигини ҳам фахр билан тилга оламиз.

Зеро, миллий валютамизнинг мустаҳкамлиги мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиб бораётганлиги ва молия-банк тизимининг ҳолатига чамбарчас боғлиқдир. Ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида мамлакатимиз банк-молия тизимида етарли ресурс базаси ва ишончли захира яратилди. Энг муҳими, иқтисодиётимизни спекулятив капитал, жаҳон молия ва фонд бозорларидаги бошқариб бўлмайдиган жараёнлар таъсиридан ҳимоялаш бўйича зарур чоралар кўрилди.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли нақадар тўғри ва мустаҳкам эканлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида яна бир бор ўзини тўла-тўкис оқлади.

Кўплаб тараққий этган мамлакатларда иқтисодий танглик, хусусан, давлат қарзлари ва давлат бюджети тақчиллиги, ишсизлик ва банк-молия тизимидаги беқарорлик тобора кучайиб, иқтисодий ўсиш суръатлари пасайган, рецессияга юз тутган бир шароитда, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда 8,5 фоиз, 2011 йилда эса 8,3 фоизга ўсди.

2011 йилнинг охирида мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта фонди миссиясининг расмий баёнотида сўнгги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этганлиги ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичларидан юқори эканлиги яна бир бор таъкидланди. Шунингдек, мазкур баёнотда қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг пастлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқироз оқибатларидан ҳимоя қилганлиги қайд этилган.

Бундан ташқари, жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг халқаро рейтинг кўрсаткичлари кескин пасайиб бораётган бир пайтда "Мудис" халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболлари "барқарор" баҳода тасдиқланиб келиниши мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти халқаро экспертлар томонидан тан олинганлигининг далилидир. Банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 24 фоиздан ошгани ва бу банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўп эканлиги эътиборга сазовор.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда мамлакатимиз молия-банк тизимининг барқарорлиги таъминланган ҳолда унинг юқори суръатларда ривожланиши кузатилмоқда. Жумладан, сўнгги беш йилда жисмоний ва юридик шахсларнинг банклардаги депозитлари 3,7 баробар, шундан аҳоли омонатлари 5 баробарга ошганлиги миллий валютамиз ва банк тизимига бўлган ишончнинг йил сайин ўсиб бораётганлиги исботидир.

Миллий валютамиз нафақат мамлакатимиз иқтисодий қудратининг, балки халқимиз маънавий салоҳиятининг ҳам ўзига хос кўзгусидир. Зеро, унда юртимизнинг бой тарихи ва буюк келажаги ўз аксини топган.

Ўзбек сўмини қўлга олган кишининг қадим Самарқанддаги Регистон майдони, Тиллакори, Шердор мадрасалари, Гўри Амир мақбараси каби тарихий обидалар, Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри, "Истиқлол" санъат саройи, Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали тасвирларига кўзи тушади.

Буларнинг барчаси халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод шуурида миллий ғурур туйғуларини шакллантириш, уларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз мустақиллигининг муҳим рамзларидан бири бўлган миллий валютамиз мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон учун ифтихор тимсолидир.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, иқтисодиётимиз мустаҳкам бўлгандагина миллий валютамиз кучли бўлади. Юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самаралари, Ўзбекистоннинг бутун дунёда эътироф этилаётган барқарор иқтисодий юксалиши миллий валютамиз қудратининг ҳам ёрқин тасдиғидир.

**ЎзА.**

## ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ



Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг йигирма бир йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш мақсадида 2012 йил 1-8 июль кунлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлари, илмий-тадқиқот институтлари ва тиббий олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари ва юқори малакали шифокорлари иштирокида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ўтказиш белгиланган.

Ушбу тиббий кўриклар Чирчиқ шаҳри, Оққўрғон ва Зангиота туманларида бўлиб ўтади.

Кўрикка Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ, Оҳангарон, Қибрай, Паркент, Ўрта Чирчиқ туманлари аҳолиси ҳам кенг жалб қилинади. Уни ўтказиш учун алоҳида жойлар ажратилиб, тегишли тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади.

**Камола ТЎЛАГАНОВА,**
**Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали директори.**


**2012 йил учун**

**ОБУНА**




**давом этмоқда.**
**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»**
**газетаси**
**индекси – 205.**


## ҲАМ МОДДИЙ, ҲАМ МАЪНАВИЙ КЎМАК

**Юқори Чирчиқ туман ҳокимлигининг мажлислар залида "Эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Унда туман бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари, молия бўлими мутахассислари ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари иштирок этди.

Янгибозор шаҳарчаси фуқаролар йиғини ташаббуси билан уюштирилган йиғилишда ёрдамга муҳтож оилаларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш хусусида сўз борди. Шунингдек, ишлаш нияти борларга амалдаги қонунчилик бўйича йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилди.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР ОРАМИЗДА

# ФАРЗАНД КАМОЛИ – ОТА-ОНА БАХТИ

**Мамлакатимизда замон талабларига мос спорт мажмуалари барпо этилиб, малакали ва тажрибали мураббийлар сафи кенгайтирилмоқда. Таълим муассасалари, ҳатто, корхона ва ташкилотларда ҳам спортни ривожлантиришга шу куннинг муҳим вазифаси сифатида қаралмоқда.**



Шу саъй-харакатлар самараси ўлароқ ёш спортчиларимиз нафақат мамлакат, балки, жаҳон миқёсидаги мусобақаларда ҳам юқори ўринларни эгаллашмоқда.

Суннат Ғуломов ҳам муай-тай бўйича ўз иқтидорини намойиш этиб, кўплаб мусобақаларда юқори ўринларни қўлга киритмоқда.

– Тўрт йилдан буён ушбу спорт тури билан шуғулланаман, – дейди у. – Мураббийим Шоҳруҳ Олимов мен каби олтмиш спортчига муай-тай сирларини ўргатаяпти.

С. Ғуломов 2010-2011 йилларда Самарқанд ва Фарғона вилоятларида ўсмирлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда фахрли 1-ўринни эгаллаган бўлса, бу йил жаҳон чемпионати саралаш мусобақаларида 2-ўринни қўлга киритди.

– Ўғлим ҳали ёш, шунга қарамай, қўлга киритаётган муваффақиятлари ота сифатида мени қувонтиради, – дейди Маъмур Мавлонов. – Тўғри ҳали чемпион бўлгани йўқ, аммо мен унга ишонаман, яқин кунда бу шарафли номга ҳам, албатта, эришади.

– Мен доимо Юртбошимизнинг ёшларга бераётган эътиборларидан қувонаман, – дейди спортчининг онаси Шоира Мавлонова. – Ўғлим каби юртимизнинг кўплаб фарзандлари ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб ўсиб-унмоқда, келажагига ишонган ҳолда тинмай изланмоқда, ҳаракат қилмоқда.

Фарзандининг шундай камолини кўриш ҳар бир ота-она учун ҳақиқий бахтдир.

**Азамат АҲМЕДОВ.**

UZTELECOM

*Хурматли абонентлар, Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари!*

**«Toshkent shahar telefon tarmog`i» филиали**

телекоммуникация тармоғидан Тошкент шаҳридаги шошилинч ва маълумотлар хизматига чиқиш тартиби 101, 102, 103, 104, ..., 10хх рақамларини териш билан амалга оширилмоқда.

- «101» (ёнғин хавфсизлиги хизмати)
- «102» (милиция)
- «103» (тез ёрдам)
- «104» (газ хизмати)
- «1050» (қутқарув хизмати)
- «10хх» (бошқа хизматлар)

**Қўшимча маълумотлар учун 200-31-31 ёки 1064 рақамига мурожаат қилинг.**

### «SPARETRA» МЧЖ ихтисослаштирилган корхонаси бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Олмазор тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 12.06.2012 й., № 19628/17-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1979 й. и/ч. "Ваз-2103", д/р. 30 Е 5742 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 729 137,6 сўм. 2. 26.04.2011 й., № 14028/19-сонли ижро ҳужжатига асосан, 2005 й. и/ч. "Ласетти" д/р 01 Р 566 FA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 21 800 000 сўм. Автотранспорт воситалари Олмазор тумани Себзор жарима майдончасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 30 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 30 июль куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 14 август куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ихтисослаштирилган корхонасининг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

## «AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**Бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилган:**

I. Суд Департаментнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2010 йил 30 ноябрь кунги ижро варақага асосан хатланган, "NIMUZMATIKA" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, бошланғич нархи – 10 238 000 сўм бўлган, 2007 йилда и/ч., дав. бел. 10 BF 399 бўлган "JBC" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Ушбу автотранспортнинг аукцион савдоси 2012 йил 31 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда ўтказилади. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2012 йил 16 август куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

II. Сирғали туман СИБ томонидан 2011 йил 5 декабрь кунги 1-498/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти Зангиота тумани ЙПХ жарима майдончасида сақланаётган: 1) Бошланғич нархи – 48 259 800 сўм бўлган, 2010 йилда и/ч., дав.бел. 01 M 000227 бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси, 2) Бошланғич нархи – 9 615 510 сўм бўлган, 1991 йилда и/ч., дав.бел. 01 M 002302 бўлган "Зил ММЗ-4502" русумли автотранспорт воситалари такроран савдога қўйилган.

**Ушбу автотранспортларнинг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 17 июль куни соат 11.00 да ўтказилади.**

III. Сирғали туман СИБ томонидан 2011 йил 5 декабрь кунги 1-498/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Чоштепа кўчаси, 34, 38 ва 40-уйларда сақланаётган қуйидаги мол-мулклар такроран қўйилган:

| № | Мол-мулк тури | Мол-мулк асосий хусусиятлари ва тавсифи | Бошланғич нархи (сўм) |
|---|---|---|---|
| 1 | Қадоқлаш конвеер тизими | Автоматическая машина для расфасовки чая, модель C Pack 3000 | 18 776 427 |
| 2 | Қадоқлаш конвеер тизими | Автоматическая машина для расфасовки чая, модель RT-4FUUV | 20 612 344 |
| 3 | Қадоқлаш конвеер тизими | Установка печатная для маркировки и кодирования продукции DH-7R | 1 320 418 |
| 4 | Қадоқлаш конвеер тизими | Установка печатная для маркировки и кодирования 251 продукции DH-7R | 1 320 418 |
| 5 | Қадоқлаш конвеер тизими | Конвейер ленточный с электроприводом, длина 5,15 метра | 741 487 |
| 6 | Қадоқлаш конвеер тизими | Конвейер ленточный с электроприводом, длина 4,7 метра | 674 079 |
| 7 | Қадоқлаш конвеер тизими | Конвейер ленточный с электроприводом, длина 4,7 метра | 674 079 |
| 8 | Қадоқлаш конвеер тизими | Машина для получения чайного порошка UNION PACK, модель ZJ-3/ | 10 531 905 |
| 9 | Қадоқлаш конвеер тизими | Машина для смешивания чая, модель M-190E | 194 734 |
| 10 | Қадоқлаш конвеер тизими | Машина полного обертывания, тип 18 А, б/у | 449 386 |
| 11 | Қадоқлаш конвеер тизими | Мельница-дробилка (Mill powder tehx solution), модель PM3 | 7 938 227 |
| 12 | Қадоқлаш конвеер тизими | Насос водяной 120/30 | 379 080 |
| 13 | Қадоқлаш конвеер тизими | Машина упаковочная Clearpack, модель HS-115 TX | 2 995 906 |
| 14 | Қадоқлаш конвеер тизими | Машина упаковочная Clearpack, модель IHS-115 TX | 2 995 906 |
| 15 | Қадоқлаш конвеер тизими | Оберточная машина "MARDEN EDWARDS" | 47 158 013 |
| 16 | Қадоқлаш конвеер тизими | Оберточный автомат с боковым уплотнением "Yes job industrial Go LTD, model YJ 101" | 26 560 928 |
| 17 | Қадоқлаш конвеер тизими | Калорифер-пирамида "POLYANTE" ПГС-023 | 95 033 |
| 18 | Қадоқлаш конвеер тизими | Автомат для производства пластиковых банок "TONGYONG PLASTIC MACHINERY TF-1000B" | 7 789 356 |
| 19 | Қадоқлаш конвеер тизими | Автомат для производства пластиковых бутылок CM | 6 815 687 |
| 20 | Қадоқлаш конвеер тизими | Принтер струйный "VIDIOJET" | 4 403 982 |
| 21 | Қадоқлаш конвеер тизими | Пылесборник "Dust Collotor GDX9040" | 383 476 |
| 22 | Қадоқлаш конвеер тизими | Пылесборник "Dust Collotor GDX9040" | 383 476 |
| 23 | Қадоқлаш конвеер тизими | Упаковочный аппарат для упаковки чая в пленку "POOJA PACK-50" | 7 190 175 |
| 24 | Қадоқлаш конвеер тизими | Машина для расфасовки чая "FLEX ENGINEERING LTD NOIDA" Model C-T | 10 186 082 |
| 25 | Қадоқлаш конвеер тизими | Машина для расфасовки чая "FLEX ENGINEERING LTD NOIDA" Model C-T | 10 186 082 |
| 26 | Қадоқлаш конвеер тизими | Установитель, зап.часть к машине RT-4, регулятор PCB | 369 865 |
| 27 | Қадоқлаш конвеер тизими | Термоупаковочная машина "ТПЦ-550Р" | 8 073 967 |
| 28 | Қадоқлаш конвеер тизими | Картонный фиксатор | 563 292 |
| 29 | Қадоқлаш конвеер тизими | Картонный фиксатор | 563 292 |

**Ушбу автотранспорт ва мол-мулкларнинг такрорий очиқ аукцион савдолари 2012 йил 17 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда ўтказилади.**

Юқорида қайд қилинган аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосиннг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда заклат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг ОАТБ "Капиталбанк"нинг Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29. Гувоҳнома № 006388.**

### «Respublika Mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан Бўстонлиқ тумани Ғазалкент-2, "Мариам текстил Сервис" МЧЖ жарима майдонида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. "М-412ИЭ" русумли д/р 11Z8304 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 18.03.2009 йил, №1-25. Бошланғич баҳоси – 665 578,6 сўм.
2. "Ваз-2103" русумли д/р X287AVM бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 17.12.2009 йил. Бошланғич баҳоси – 1 666 784 сўм.
3. "ГАЗ-2417" русумли, д/р 11M0152 бўлган, 1989 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 20.06.2010 й., №158-2010. Бошланғич баҳоси – 1 198 716 сўм.
4. "ВАЗ-2101" русумли, д/р 11W8452 бўлган, 1980 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 16.03.2010 й., №1-21. Бошланғич баҳоси – 1 256 754 сўм.
5. "ВАЗ-2101" русумли, д/р 11A0487 бўлган, 1974 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.08.2009 й., №220/2009. Бошланғич баҳоси – 744 387 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 16 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Такроран ўтказиладиган аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 13 июль куни соат 18.00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika Mulk markazi" ЁАЖнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52.

Гувоҳнома № 006231.

### «Кўп тармокли ихтисослаштирилган аукцион савдо» МЧЖ (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил килиш корхонаси томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан Асака банк Юнусобод филиали ҳовлисида сақланаётган 17.03.2011 йилдаги 10-1008/7973-сон ижро варақасига асосан 2008 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 ВН 151 бўлган "Хундай Соната" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 63 135 000 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 2 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари 2 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йилнинг 23 август куни бўлиб ўтади.

2012 йил 19 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Юнусобод тумани СИБ томонидан МЧЖ "Нумизматика" автотранспорт воситаларини сақлаш омборхонасида сақланаётган 18.01.2011 йилдаги №1301-сон ижро ҳужжат. асосан, 2009 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 677 LAA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 15 300 000 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, КТИАСнинг ҳисоб рақамига 20208000904929477001, АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 302074183, ОКОНХ 83200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: 249-54-59.

Гувоҳнома № 006025.

### "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: I. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 25.07.2011й.даги 1-8817/11-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган, бошланғич нархи – 52 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Генерал Узоқов кўчаси 60-А уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 63,38 кв.м., яшаш майдони 40,56 кв.м., 3 хонали 151-хонадон. II. Чилонзор тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 21.02.2011 й.даги №1-1201/11-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган, бошланғич нархи – 60 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гулистон мавзеси, 22-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 55,92 кв.м., яшаш майдони 37,07 кв.м., 13-хонадон.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 3 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2012 йилнинг 3 август куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2012 йилнинг 24 август куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақами, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига расмий бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

### «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Такроран аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: I. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 20.04.2012 й.даги 1-785/12-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган, бошланғич нархи – 200 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хувайдо кўчасида жойлашган, умумий майдони 473 кв.м., асосий бинолар сони 4 та, ёрдамчи иншоотлар сони 6 та, қурилиш остидаги участка майдони 156,01 кв.м, умумий фойдаланиш майдони 86,16 кв.м. бўлган 21-уй (ҳовли). II. Яккасарой тумани СИБ томонидан 10.10.2007 йилдаги ЖСХ-1-511/2007-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ракатбоши 1-тор кўчасида жойлашган Д. Г. Бекмуҳаммедовага тегишли, бошланғич нархи – 328 330 745 сўм, уй-жойнинг умумий майдони 203,70 кв.м., умумий ер майдони 325,0 кв.м.дан иборат бўлган икки қаватли 15-уй-жой (ҳовли) қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 20 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400 тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига расмий бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

### «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Оҳангарон туман СИБ томонидан, ФИБ Оҳангарон туманлараро судининг 2011 йил 24 июндаги 4376-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Озодлик қ.ф.й., Эйвалек қўрғонида жойлашган, умумий фойдаланилаётган ер майдони 5400 кв.м, 4 та алоҳида-алоҳида бинолардан иборат бўлган нотураржой биноси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 28 750 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 17 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 13 июль куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Тузатиш: "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталарининг 13.06.2012 йилдаги 46-сонида чоп этилган "Respublika mulk markazi" ЁАЖнинг хабарномаларидаги Бекобод тумани СИБ томонидан савдога қўйилган "Ваз-21074" русумли, д/р 11X9769 бўлган автотранспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили 2005 йил деб ўқилсин.

---

ООО "TURKISTON EXCULUSIVE" Юнусабадского района сообщает об уменьшении уставного фонда с 9 000 000 сум до 5 000 000 сум.

---

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 9 сентябрда № 209 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган (ИНН 204440616) "MEBEL-DILVAZIZ" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "MEBEL-DILVAZIZ" МЧЖ ҚКга ўзгараётганлигини маълум қилади. Шунга кўра "MEBEL-DILVAZIZ" МЧЖ ҚК "MEBEL-DILVAZIZ" МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади ҳамда барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Эътирозлар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, К. Ғафуров 2-тор кўчаси, 2-А уй.

---

ООО "GEART FOOD SERVIS", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства Мирзо-Улугбекского района № 003765 от 12.05.2008 г. (ИНН 300830669), расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Авайхон, дом 5, кв 1, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания учредителей № 1 от 26.06.2012 г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

---

Утерянный аттестат о среднем образовании O`R-SH № 07544598 от 26.06.2007 г., выданный средней школой № 194 Учтепинского района г. Ташкента на имя Хуррамовой Александре Владимировне,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

---

Утерянную лицензию, выданную Министерством миграции труда на имя Атифа Насеема,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

---

ООО "LIDILAYN", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирзо-Улугбекского района № 007433-04 от 22.06.2012 г. (ИНН 201758957), адрес: м-в Буюк Ипак йули, ул. А. Тукай, дом 1-В, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания учредителя № 2 от 04.06.2012 г.).

Претензии принимаются в течение одного месяца со дня публикации объявления по тел.: 523-32-22.

---

ЧП "MUNIRAXON SERVIS" (ИНН 205871657), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. К. Шарк, 25-29, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 29.06.2012 г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 300-24-42.

---

Бектемир тумани ТСРЎИ томонидан 13.07.2010 йилда 000909-02 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган (ИНН 301657921) "TWINS TEXTILE PRODUCTION" шўъба корхонасига тегишли бўлган бир дона бурчак тамға йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 30.01.2010 йилда № 003500-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "R-J PLAY STATION" (ИНН 301472931) хусусий корхонасининг фаолияти **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 387-25-56 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

---

Частное предприятие "SARDOR-QURILISH-SERVIS", зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Алмазарского (быв. С. Рахимовского) района г. Ташкента от 30.11.2011 г. за реестровым № 866-05, расположенное по адресу: ул. Уста Олим, дом 84 (ИНН 205674688, ОКПО 61110) в соответствии в решением учредителя № 1 от 25.06.2012 г., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 155-36-84.

---

Чиноз туманидаги 4-умумтаълим мактаби томонидан 2012 йилда Хусанбоев Азизжон Мўминжон ўғли номига берилган U 5613125 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

XXI аср ва дунё

## БЕРЛУСКОНИ ЖАЗОДАН ҚУТУЛИБ ҚОЛДИ

**Римдаги судья Сильвио Берлусконига қарши ишни ёпди. Собиқ бош вазир Mediaset компанияси учун фильмларга ҳуқуқни сотиб олишда солиқ тўламаганликда айбланаётган эди, деб хабар берди ANSA.**

Берлускони билан бирга бу ишга яна 11 киши, жумладан собиқ бош вазирнинг ўғли Пьер Сильвио ҳам алоқадор ҳисобланаётган эди. Улар ҳам бу ишга алоқадор эмас деб топилдилар.

Прокуратуранинг таъкидлашича, бу иш 2003-2004 йилларга тааллуқли бўлган. Муддати ўтиб кетгани боис иш ёпилди.

Ҳозир эса Берлускони 1994-1999 йилларга оид айнан шундай иш юзасидан айбдор сифатида қатнашмоқда. Терговнинг фикрича, бу даврда судланувчи 470 миллион евролик фильм ва кўрсатувларни сотиб олган. Прокуратура собиқ бош вазирни уч йилу саккиз ойга ҳукм қилишни сўради.



Молиявий қаллобликлардан ташқари Берлускони балоғатга етмаган фоҳиша билан алоқадорлик ва мансаб ваколатларини оширишда ҳам айбланмоқда. Бу масалалар юзасидан ҳам алоҳида-алоҳида иш қўзғатилган.

НИГОҲ

# ТОЖИКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ТАНАЗЗУЛ

**Кейинги вақтларда Тожикистонда аҳоли генофонди анча ёмонлашди. Туғилиш тўхтаяпти, бола тушиш икки баравар кўпайди, кўплаб чақалоқлар ўлик ёки руҳий хаста ҳолда туғиляпти ё мия фалажидан азият чекаяпти. Онкологик касталик кўпайди, туғма нуқсонли, жумладан, суяги қотмай ва камқонли бўлиб туғилиш ҳоллари кучайяпти. Буларнинг ҳаммаси шундоқ ҳам ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобига тушиб қолган Тожикистонда юз бераётган жиддий экологик таназзул оқибатидир.**

Мутахассисларнинг баҳосига кўра, республикада ўткир экологик муаммолар сақланиб турибди. Шулардан энг кучлиси саноат корхоналари атмосфера ҳавоси ва сув ресурсларини ифлослантираётганидир. Ушбу корхоналар ҳамон Иккинчи жаҳон уруши давридан қолган эски, унумсиз ва бунинг устига экологик жиҳатдан зарарли технологиялар асосида ишламоқда.

На мамлакат ҳукумати, на корхона раҳбарлари аҳолига ва атроф-муҳитга етказилаётган зарарни камайтириш, яқин атроф туманлардаги вазиятни аниқлаш чораларини кўрмаётганлари боис муаммо янада чуқурлашиб бораяпти. Шунингдек, бу корхоналарнинг етказган зарарлари учун товон тўлаганини ҳали ҳеч ким кўргани йўқ. Вазият эса таҳликали суръатда ёмонлашиб бораяпти.

Ҳудудида кўплаб саноат корхоналари жойлашган Ваҳш ва Ҳисор туманлари ҳамда Сўғд вилоятида аҳвол айниқса чатоқ. Бу минтақада йил давомида ҳосил бўладиган қарийб 4,5 тонна ўта заҳарли моддалар қўриқланмайдиган 1,2 минг гектар очиқ майдонга чиқариб ташланади. Ваҳоланки, бу жойларда юз минглаб одам яшайди. Уран рудаси қазиб олинадиган ва уларнинг чиқиндилари кўмиладиган туманлар атрофида радиация даражаси меъёрдагидан 10 баравар юқори. Бу эса ўлим билан тугаётган касалликларнинг кескин кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу вазият хусусида истаганча далил ва рақамлар келтириш мумкин. Атмосфера ҳавоси кучли даражада ифлосланган жойларда касаллик 1,4 баравар кўп. Хусусан, "муаммоли" туманларда юқори нафас йўллари хасталиги 1,5, тери касаллиги – 2,5, овқат ҳазм қилиш аъзолари – 1,7, камқонлик – 1,7, сийдик-жинсий тизим – 2, нафас аъзолари саратони 1,5 баравар юқори. Бу аҳоли саломатлигига бевосита таҳдиддир, гарчи бусиз ҳам мамлакат аҳолисини соғлом деб бўлмасада.

Ҳавога кўплаб заҳарли моддалар чиқарилаётгани сабабли одамлар муттасил тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар. Бироқ, афсуски, бу соҳада ҳам аҳвол, жўн қилиб айтганда, яхши эмас. Тиббий ёрдамга ва доимий муолажага муҳтож тожикистонликлар буларнинг ўрнига қашшоқлик, иложсизлик, очкўзлик, коррупция, дори-дармон ва даволаш технологиялари тақчиллигига дуч келмоқдалар. Соғлиқни сақлаш тизимидаги тартибсизлик ва ўзбошимчаликлар сунъий тарзда вужудга келтирилган экологик таназзулдан азият чекаётганларга ўз вақтида самарали тиббий ёрдам кўрсатишга имкон бермаяпти. Шу боис хасталикларнинг ўлим билан тугаши кўпайиб бораяпти.

Экологик муаммолар ҳақида сўз борар экан, сув, айниқса, ичимлик сувларининг ифлослантирилаётгани ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. Республикада тозалаш тизими тўла ишдан чиққани, оқава сув манбаларини тозалашнинг алмисоқдан қолган самарасиз усули ҳамда ноқонуний ахлатхоналарнинг кўплиги кучли инфекциялар тарқалишига сабаб бўлаяпти. Мамлакатдаги сув қувурлари тизимининг 30 фоизи бутунлай ишдан чиққан. 60 фоиз аҳоли сув қувурларидан фойдаланади, 40 фоизи эса санитария талабларига мутлақо жавоб бермайдиган манбалар – дарё, канал, майда ирригация тармоқларидан сув ичади.

Жадал ривожланиб бораётган гидроэнергетика тизими ҳам кўплаб ҳудудларни сув остида қолдириб, сув объектлари ҳолатини ёмонлаштириб, уларнинг гидрокимёвий ва ҳарорат барқарорлигини бузиб, экологик таназзулни янада кучайтирмоқда. Кейинги вақтларда хийла тезлашган зилзилалар эса, аҳволни баттар ёмонлаштириб, халқ хўжалиги объектларига жиддий таҳдид солмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Тожикистонда зилзилалар рўй бериши эҳтимоли жуда юқори. Зеро, мамлакат ҳудудининг 40 фоизи табиий фалокатлар зонасига тўғри келади. Шунга қарамай, 50 фоиз аҳоли мавжуд хавф-хатарлардан хабардор қилинмаган. Бунинг устига Тожикистон ҳар йили табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш учун 50-60 миллион доллар маблағга муҳтож бўлиб турган ҳозирги вазиятда республика бюджетидан бу мақсадлар учун умуман пул ажратилмайди.

**Қурбонали БАХРОНОВ.**
**www.maxala.org.**

## ПРЕЗИДЕНТ СОҚЧИЛАРИ ҚУРОЛЛАРИНИ УНУТИШИПТИ

**Франция президенти Франсуа Олланднинг соқчилари уни БМТнинг Рио-де-Жанейрода яқинда якунига етган конференциясига кузатиб борганларида ўқ отиш қуролларини ўзлари билан олишни унутган эканлар.**



Маълум бўлишича, тан соқчилар тўппончалар солинадиган жомадонни Елисей саройида унутиб қолдиришибди. Бундай эҳтиётсизлик Бразилияда чегара назоратидан ўтиш чоғида маълум бўлди. Бу ерда соқчилар қуролларини кўрсатишлари керак эди.

Олланднинг хавфсизлик хизмати унутиб қолдирган қуроллари ўрнига Рио-де-Жанейрода янгиси берилмади. Шунга қарамай, Le Canard Enehraine нашрининг ёзишича, маҳаллий полиция президент соқчиларига кўмаклашган.

Ватанларига қайтганларидан сўнг юз берган воқеага масъул шахс ишдан бўшатилди.

Олланд президент бўлгач, унинг соқчилари орасида ўзгаришлар юз берди. Жумладан, соқчиларга бутун мамлакат тарихида биринчи марта аёл киши бошлиқ қилиб тайинланди. Махсус бўлинма 93 кишидан 63 кишига қисқарди, шунингдек, унинг таркибига жандармерия хизматчилари қайтарилди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ОДАМИЙЛИК ШЕВАСИ

# ОЙИЖОН, МЕНИ БУ ЕРЛАРДАН ОЛИБ КЕТИНГ!

Яна меҳрибонлик уйидаман. Тушлик тугаганига бир соатлар бўлди. Одатдагидек, ёши бешлардаги Анвар якка ўзи дераза қаршисида чўкка тушганча, ташқарига термулиб, кимларнидир келишидан умид қиларди. Шу чоққача уни тенгқурларига қўшилганини, улар билан ўйнаганини кўрмаганман. Доим нималарнидир ўйлайди. Ҳеч ким билан гаплашмайди. Савол берсангиз жавоб қайтармайди. Хуллас, Анвар бошқаларга сира ўхшамайди.



Анвардан сал нарироқда Нилуфар, Аня, Севинч, Ҳилола, Настя, Риана доира шаклидаги стол атрофига тизилиб, қўғирчоқлари сочларини тараш, кийимларини тузатиш билан банд. Уларнинг қаршисидаги столда Рустам, Далер, Баҳром, Жавоҳир, Никита, Жасур қоғозга расм чизишяпти. Уларни айнан шу вазиятда четдан туриб кузатиш нақадар завқли бўлса, етим деган ном қисматларига жуда эрта битилгани ҳақида ўйлаш шу қадар азоб...

Баҳромнинг кўзи менга тушиб, қувонганидан қийқириб юборди. Бошқа болалар мени дарров ўраб олишди. Мен болаларни, улар эса мени соғинишган. Бир-биримизга ўрганиб қолганмиз.

Дарвоқе, бу ерга илк бор таҳририят топшириғи билан келганман. Ўшанда, меҳрибонлик уйини тушкун кайфиятда тарк этгандим. Кейинчалик тарбияланувчилар ҳақида ўйласам, юрагимни тушуниб бўлмас аллақандай дард эгалларди. Болаларга ошиқавerardим. Шу-шу бу ерга бўш вақтларимда тез-тез келиб тураман. Болалар билан турли ўйинлар ўйнаб, эртак айтиб, қизиқ-қизиқ воқеалардан гапириб бераман. Мени диққат билан тинглашади. Эртакнинг қизиқарли жойида мириқиб кулишади, ибратли жойида эса кўзлари маъюс тортиб, худди катталардай мушоҳада юритгандек бўлишади. Уларнинг бу ҳолатларида болаларча беғуборликни эмас, мурғак қалбларда ҳосил бўлган мангу жароҳат изларини кўраман. Шу боис бўлса керак, бу ерда узоқ қололмайман. Тез-тез келаман, тез кетаман.

Ҳозир ҳам шу ва бошқа изтиробли туйғулар оғушида кетишга чоғландим. Болалар билан хайрлашдим. Пастга тушиб, ортимга ўгирилдим. Меҳрибонлик уйининг иккинчи қават ўнг бурчагидаги хона деразасида Анварни кўрдим. У ҳам мени кузатиб турган экан, "кетмай туринг" дегандай ишора қилди-ю, зум ўтмай, ёнимга келиб, нозик қўлчалари билан бармоқларимни ушлади, кўзларимга мўлтиллаб қаради ва:

– Яна келасизми? – деб зорланиб сўради.

– Сенга нима олиб келай?

– Ойимни, – деди-ю, бошини қуйи солди, шу алфозда бироз турди-да, чўнтагидан икки букланган қоғоз олиб, менга тутқазди:

– Буни ойимга беринг! – деди-ю, чопиб ичкарига кириб кетди.

Эшикдан чиқаяпман-у, кўз олдимда Анварнинг мунгли қиёфаси, қулоқларим остидан эса зорланиб айтган "Ойимни олиб келинг!" мазмунидаги сўзлари. Беихтиёр, у берган хатга кўз ташладим:

**«ОЙИЖОН, МЕНИ БУ ЕРЛАРДАН ОЛИБ КЕТИНГ!»**

Димоғим ачишиб, мижжаларим намланди. Шу жумлани қайта-қайта такрорлаб боряпман-у, ўзимча мушоҳада қиляпман: "Эркаклар одатда маълум важ сабаб аёлларга "товуқ мия" деб танбеҳ беришади. Нафсиламрини айтганда, товуқ курк бўлгач, камида уч ҳафта тухум босиб, бир ерда қимир этмай ётади. Тухумни ёриб чиққан полапонларини ҳар жиҳатдан асраб-авайлайди, хатарлардан ҳимоялайди ва парвариш қилади. Жўжаларини мустақил ҳаётга тайёрлаб бўлгач, "етим қилади"...

Аммо, шундай аёллар борки, фикри ожизимча, уларни аёл деб бўлмайди. Аллақандай ҳирсга берилиб орттирган боласини ҳали туғилмасиданоқ нобуд қилади. Ёки уни дунёга келтиради-да, кераксиз буюмдек дуч келган жойга ташлаб кетади...

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Полапонлар тухумни уч ҳафта эмас, тўққиз ойда ёриб чиқса, товуқларнинг жўжаларига эътибори қай даражада бўлур эди?!"

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзМУ 2-курс талабаси.**

# ЯНА ТЎЙМИ?..

(Ҳажвия)

Қурилиш ташкилоти раҳбари Эшонқул Фармонқуловичнинг пайтавасига қурт тушди. Тўйчиобод қишлоғида бошланган мактаб қурилиши туя гўшти егандек, чўзилиб кетди. Бугун бошқармадаги йиғилишда яна гап эшитди. Асаблари бузилганидан кетма-кет сигарет тутатиб ўтирипти. Шу тобда эшик аста очилиб, хонага ўринбосари кириб келди.

– Ассалому алайкум, Эшонқул Фармонқулович. Соғлиқларингиз яхшими? Уйда янгам, бола-чақа омонми?

– Ваалайкум ассалом. Хўш, ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди. Бошқармада яна гап эшитдим. Шунга ўзинг бош-қош бўлсанг... Маъқулми?

– Маъқул, хўжайин, маъқул. Аммо... – Боқивой Соатович чайналди.

– Ҳа, нима гап? Чайналмай гапирсанг-чи!

– Энди Эшонқул Фармонқулович, менга сал эртароқ жавоб берсангиз. Қирқ йиллик қадрдон дўстим тўй қилаётганди. Шунга бориб келсам, девдим.

Эшонқул Фармонқулович тутоқиб кетди:

– Дўстинг келиб-келиб шу топда тўй қиладими? Бошқа вақт қуриб кетибдими? Ахир индинга мактаб қурилишини тугаллашимиз керак.

– Хўп дея қолинг, эртага албатта, ишга саҳарлаб чиқаман. Бугундан қолган ишни эртага албатта дўндираман. Лекин тўйга бормасам бўлмайди. Тушунинг, ахир.

Боқивой Соатович қўлларини кўксига қўйиб ёлворгани жаҳл отига минган Эшонқул Фармонқуловичнинг тош юрагини эритди чоғи, унга рухсат бериб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Тушдан кейин Эшонқул Фармонқулович корхона бош ҳисобчиси Адолатхонни ҳузурига чақирди:

– Хўш, Адолатхон, ишчи ходимларнинг маошлари нима бўлаяпти, "задержка" йўқми?

– Йўқ, Эшонқул Фармонқулович, ҳаммаси жойида. Банкдан пул олибоқ иш жойининг ўзида тарқатяпмиз. Ҳозирча, ҳеч кимдан "жалиба" йўқ. Аммо...

– Нима, аммо, чайналмай, гапир тезроқ.

– Шу десангиз бугун ён қўшнимиз Лобархон опа кенжа қизларини узатаётган эди. Ўзингиздан қолар гап йўқ, қўшничилик, ахир. Шунга-а...

– Шунга, шунга! – Эшонқул Фармонқулович столга мушт урди-ю, аммо қошларини чимириб турган Адолатхоннинг шаҳло кўзларига қараб, бироз юмшади. – Майли, боринг, лекин тўй баҳона икки кун қолиб кетманг. Пул жигардан яралган, маош вақтида берилмаса, "вайна" бўлади.

У котибасига бош муҳандисни чақиришни буюрди. Зум ўтмай, бош муҳандис қаршисида таъзим бажо келтирди.

– Ҳорма, Анварбек. Режадаги ҳамма техникалар бекаму кўст ишлаяптими ёки "левий"га кетганлари ҳам борми? Ёлғон гапирмай, тўғрисини айт, агар алдасанг...

– Тавба, деб айтаман, хўжайин, ҳамма техникалар мактаб қурилишига жалб қилинган. Биронтаси ҳам "левий"га боришига йўл бермаяпмиз. Тартибни бузганларга "сразу" чора кўраяпмиз.

– Яхши, ишлар жойида бўлса, сенга рухсат. Ҳа, айтмоқчи, мактаб қурилишида ўзинг бўл, ҳеч қаерга жилма.

– Тушунарли, хўжайин, лекин, шу десангиз...

– Нима, сен ҳам тўйга бормоқчимисан?

– Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, бормасам бўлмайди. Кимсан, қайнотам ёши саксондан ошганда уйланаман, деб туриб олди. Рўйхуш бермовдик, аразлаб, уч кун овқат емади. Шу бугунга тўй белгилаб қўйгандик. Куёви бўлатуриб бормасам, яхши бўлмас. Отахон хафа бўлади мендан.

– Бор, боравер! Асабимни кўп эговламай, қорангни ўчир! Йўқса...

Анварбек хонадан ўқдек учиб чиқиб кетди. Қабулхонада кадрлар бўлими мудири, бош иқтисодчи ва яна бошқалар ҳам ишдан рухсат сўраш учун турнақатор бўлиб туришган экан, бошлиқларининг авзойи бузуқлиги уларни аридек тўзитиб юборди.

Асаблари таранглашган Эшонқул Фармонқулович кетма-кет сигарет бурқситиб ўтирганда, телефон жиринглаб қолди:

– Хўжайин, бу мен – Саидваққосман. Ҳалиги .., анақа...

– Гапир дудуқланмай, нима бўлди?

– Шу десангиз, қурилиш материаллари тугаб, иш тўхтаб қолди. Энди нима қиламиз?

– Тўйчи қаёққа даф бўлибди, нега у омбордан керакли нарсаларни жўнатмаяпти?

– Тўйчи омборчи тўйга кетибди, хўжайин.

– Нима? – раҳбарнинг товуши бўғилиб, юрагини чангалллаганича, креслога ўтириб қолди.

Кўп ўтмай, ҳушига келиб, кўзини очди. Тепасида ясан-тусан кийинган хотини товусдек товланиб турарди:

– Хайрият-эй, дадаси, одамни қўрқитиб юбордингиз-ку! Бўлди, туринг, бугун қайнисинглингиз тўй қилаяпти ахир! Наҳот унутдингиз?

– А... Яна тўйми?..

**Латифжон МАНСУРОВ.**

БИЛАСИЗМИ?

## «Япон диванида» – беш миллион евро

**Париждаги "Сотбис" савдо уйида машҳур мўйқалам соҳиби Жорж Сёрнинг "Япон диванида" номли асари қарийб беш миллион еврога сотилди.**

1887-1888 йилларда яратилган мазкур асар рассомнинг энг сара ижодий ишларидан бири бўлиб, у узоқ вақт мобайнида ҳаваскор коллекционер тўпламида сақланган.

Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, асарнинг номи Париждаги қаҳвахоналарнинг бирига атаб қўйилган.

## Янги вакцина ишлаб чиқилди

**Америкалик олимлар кўкрак бези саратони касаллигининг энг оғир турига қарши вакцина ишлаб чиқдилар, деб хабар беради РАТА-ТАСС.**

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ушбу касалликка чалинган беморларнинг кўкрак қисмида ривожланадиган зарарли ўсимта инсон танаси бўйлаб жуда тез тарқалади. Мазкур вакцина эса қондаги Т-лимфоцитлар таркибини камайтириб, ўсимтанинг ривожланишига йўл қўймайди.

Маълумотларга қараганда, сичқонларда тажриба қилинган ушбу дори ижобий натижа берган. Шифокорлар мазкур вакцинадан нафақат саратон касаллигининг ривожланиш босқичларида, балки касалликнинг олдини олишда ҳам фойдаланиш мумкинлигини таъкидлашмоқда.

**ЎзА.**

РАССОМ ХАНДАСИ




Тошкент шаҳри, Бектемир тумани ТСРЎИ томонидан 2010 йил 26 нобярда № 000956-02 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "AVALONBEK BROKERS" масъулияти чекланган жамияти (СТИР 301727779) 25.06.2012 йилдаги 4-сонли жамият йиғилиши баённомасига асосан **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 110-35-10 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ООО "NUR PULAT SAVDO", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района г. Ташкента за № 004606-03 от 14.05.2010 г. (ИНН 301413441, ОКПО 23042969) в соответствии с протоколом общего собрания учредителей от 29.06.2012 года добровольно **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** с 1 июля 2012 г.

Ликвидатором назначен Юсупов Равшанбек Фирнафасович – паспорт СА 1452386, выданный 04.08.2000 г. С. Рахимовским ИИБ г. Ташкента.

Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Нукусская, 83-А. Тел.: 215-70-46.

Иностранное предприятие в форме общества с ограниченной ответственностью "VOSTOKLADA PLUS" (ИНН 205776853, ОКПО 20139898), зарегистрированное в Министерстве юстиции Республики Узбекистан за № 478 от 08.08.2005 г. в соответствии с решением единственного учредителя иностранного предприятия в форме общества с ограниченной ответственностью "VOSTOKLADA PLUS" от 18 июня 2012 года, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, проспект Бунедкор, 27, Тел.: (+99871) 150-44-35.

Олмазор тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан 11.02.2011 йилда № 0512386 гувоҳнома рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 432196274) якка тартибдаги тадбиркор Умаров Зафар Фахриддиновичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянное изменение Таъсис шартномаси ООО "TURON PORCELAIN" от 26.12.2011 года (ИНН 300637124), выданное хокимиятом Чиланзарского района г. Ташкента,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Равшан ЁҚУБЖОНОВ
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-642. Адади 12287. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 12345